



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 79 (12.390)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Шаҳримиздаги «Ўзкўргазмасавдо» кўргазма марказида навбатдаги Тошкент ҳудудий Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент ҳудудий Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ишларокчилари сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Ушбу тадбирларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат. Зеро, ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушининг ўсиши ва валюта ресурсларини тежашга сабаб бўлади. Бу эса юртимизда аҳоли бандлигини оширишга, давлат бюджетининг даромад манбалари кенгайишига ва ижтимоий барқарорлигининг янада мустаҳкамлашига хизмат қилади. Кооперация биржаси корхона ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш механизмларидан бири саналади.

Саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқларо саноат кооперациясини янада кўнгилга олинган тадбирлари тўғрисида»ги Фармони га мувофиқ республикамизнинг бошқа ҳудудлари сингари Тошкент шаҳрида ҳам Саноат ярмаркалари ва Кооперация биржалари ўтказилмоқда. Ярмарка-биржанинг иш жараёнида шаҳар корхона ва ташкилотлари нафақат ўз маҳсулотларини намойиш этишлари мумкин, шунингдек, уларнинг техника ва ишлаб чиқариш янгилликлари, республика иқтисодийнинг барча соҳаларида корхоналар томонидан эришилган

ютуқлар билан танишиш имконияти яратилган. Таъкидлаш жоизки, ярмарка-биржада ишлаб чиқаришнинг моддий-техника ресурслари, асбоб-ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун барча шароитлар жамғурилган.

Тошкент шаҳар ҳудудий Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида пойтахтимиз туманларидан йигирма учта саноат тармоқларига тегишли 240 дан зиёд корхоналар қатнашмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Иқтисодийёт бош бoshқармасининг маҳаллийлаштириш ва экспортни ривожлантириш бўлими бошлиғи Хайрулла Умаров. — Бугун улар томонидан ишлаб чиқарилган техник йўналишга оид ва кенг турдаги истеъмол моллари ҳам намойиш этилмоқда. Мазкур тадбир ишлаб чиқариш субъектлари учун катта имкониятлар яратди. Улар кўргазма орқали ўз маҳсулотларини намойиш қилиш билан бирга янги шериклар, топши, шартномалар имзолаш ва соҳадаги янгилликлар билан танишишлари мумкин.

(Давоми 2-бетда)

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кузатилаётгани сингари Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти мавзусига тез-тез мурожаат қилмоқда. Яқинда «Sarkaritel» ахборот-таҳлил порталида юртимизда ҳаётта изчил татбиқ этилаётган «Обод турмуш йили» Давлат дастури мавзусига бағишланган «Халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган дастур» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

«SARKARITEL» «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҲАҚИДА

Унда аҳоли фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтириб бориш, ёшларни иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни янада ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига давлат томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган ёрдам кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг муҳим йўналишлари эканлиги алоҳида қайд этилади.

«Sarkaritel» республикамизда меҳнат бозорини тажрибали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида касб-хунар коллежлари ва иқтисодийёт субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган кенг қўламли ишларни юқори баҳолайди. Мақолада қайд этилганидек, «Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2012 йили коллежларни тугатган 450 миң нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланиб, уларнинг аксарияти ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди. Шунингдек, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда мунтазам ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаетир».

«Иш ўринларини ташкил қилишда, биринчи навбатда, турли тармоқларни қамраб олган дастурларни амалга ошириш, корхоналарни модернизация қилиш ва те-

хнологик янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилишини, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда», деб ёзади «Sarkaritel».

Мақолада қайд этилишича, қишлоқ аҳолисини боддорчилик фаолиятига янада кенгрок жалб этиш, узумлик, чорвачилик ва ипакчилик сингари тармоқларни ривожлантириш ҳам аҳоли бандлигининг таъминланиши ҳамда даромадларининг юксалишига хизмат қилаётир. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида, муаллиф маълум қилганидек, «қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўнгилга олинган мақсадида янгидан янги корхоналарни барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган».

«Ушбу Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистон халқининг турмуш шароитини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашдек улук мақсад йўлидаги яна бир муҳим қадамдир», — дея таъкидлайди «Sarkaritel».

«Жаҳон» АА Дехли



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ва зирликлари ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Солиқ билимлари – болаларга» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

● Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурларидаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ва Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ташкил этилиб, унинг доирасида бир қатор тадбирлар бўлиб ўтди.

● Қарши шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Республика «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси, «Хаёт учун!» кўкрак беши саратони миллий уюшмаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида «Биз – бир жамоа, биз – бир оиламиз» акцияси ўтказилди.

● Нукус шаҳридаги «Версаль» тантаналар саройида «Ўзбекистон ижтимоий масъулияти фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти, «Меҳр нури» жамғармаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.

● Амударё туманидаги «Ергулобод» фермер ҳўжалиги жамоаси сутни қайта ишлаш корхонасини ишга туширди. Бунинг учун банкнинг 170 миллион сўмлик кредитидан фойдаланилди. Айни пайтда корхонада кунига бир тоннадан зиёд сут қайта ишланиб, қадокланган сут, қатик, қаймоқ, сузма, пишлок, бризза каби сутли маҳсулотлар ички бозорга етказиб берилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг маълум қилишича, Норвегия ва Ирландия бугунги кунда меҳнат унумдорлигига эришишда жаҳонда етакчи ўринларда бормоқда. Яъни, норвегияликлар бир соатда ялпи ички маҳсулотни 88,4 долларга бойитар экан. Люксембургликлар ўз ялпи ички маҳсулотига — 75 доллар ҳисса кўша, французларда бу кўрсаткич 66, АКШда — 61, Канадада эса — 50 долларга тенг экан.

● Япон ошпазлик коллежи ўқувчилари дунёдаги энг узун рулетни тайёрлашди. Ушбу рулетнинг узунлиги 130 метру 68 сантиметрни ташкил этиб, бўлажак ошпазларга уни тайёрлаш учун 54 килограмм ун, 43 килограмм шакар ҳамда 2682 дона тухум керак бўлди. 9 нафар талаба бу ширинликни тайёрлашга бир неча кун давомида қилган тинимсиз меҳнатлари орқали эришди. Ушбу гаройиб рулет «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олди.

● Велоспорт тарихида Олимпиадаларда энг кўп — олтин олтин медални кўлга киритган, Буюк Британия тарихида энг кучли велоспортчи ҳисобланмиш 37 ёшли Крис Хой спортдаги ўз фаолиятини якунлашини маълум қилди.

● Уэльснинг Рексен графлигида жойлашган Понтфадок қишлоғида кучли шамолнинг 1200 ёшли дуб дарахтини қулатиши маҳаллий аҳоли дилига анча озор етказди. Маҳаллий кенгаш вакилининг таъкидлашича, қалинлиги 12,9 метрни ташкил этувчи ушбу дубни сақлаб қолиб, кўргазма сифатида намойиш этиш режалаштирилмоқда.

VI Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси олдидан САМАРАЛИ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ИХТИРОЛАР

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Олиб борилган фундаментал тадқиқотларнинг натижаларига кўра, сўнгги йилларда илмий жамоа фармацевтика саноати учун бир қатор ишланмалар, замонавий тиббиёт учун зарур дори воситаларини яратди. Улардан бири пахта чигитини зичлаш йўли билан олинган госсипол препарати бўлиб, турли касаллик вируслари ва бактерияларига қарши курашишнинг асосий таъсир воситасидир. Госсиполни кимёвий модификациялаш ёрдамида вирусли гепатитнинг В, С, D кўришилларини

даволаш учун қўлланилган «Рагосин», хламидияга қарши «Гозалидон» таблеткалари, герпесга қарши «Мегосин» суртмаси, тананинг турли касалликларга қарши курашувчанлигини таъминловчи «Тимоптин», қон кетишини тўхтатувчи «Лагоден» инъекцияси ҳамда ультратовуш ташхиси учун суриладиган гел яратилди. Уларни «Ўзфарманоат» давлат акциядорлик компанияси корхоналари кенг миқёсда ишлаб чиқармоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бадий академиясида «Обод турмуш йили» га бағишланган «Тасвирий санъат

фестивали» очилди.

✓ **БУГУН** «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар телефон тармоғида

«Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлақати» мавзусида маънавий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги

«Тенгдош» маданият уйида у-шу спорт мактабининг 8-13 ёшли қатнашчилари ўртасида «Спорт билан дўстлашамиз» мавзусида спорт мусобақаси ўтказилади.



ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар билан тўдириш имконини беради.
Худудий Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг алоҳида стендида етакчи илмий тажрибалар томонидан ишлаб чиқилган Тошкент шаҳар саноатига инновацион лойиҳаларни жорий қилиш бўйича таклифлар намойиш этилди. Уларни амалиётда қўллаш яқин келажакда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Булар «Мобиль қазилу усунаси», «Биотехнологик усунлар орқали каолини темирсиэлантериш» (Минерал ресурслар илмий таджикот институти), «Ангрен қўнғир қўмири негизда олинган муқобил сувли қўмир ёқилғи суспензияси» (Умумий ноорганик кимё институти), «Пахта негизда тўқимачилик материалларини бўяш учун ноанъанавий бўёқ композициялари» («Фан ва тараққиёт» ДУК).
Мамлакатимизда экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш, ички тармок ва тармоқлараро, корхоналар ўртасида кооперацияни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган корхоналарда хариддориг, замонавий ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, қўллаб янги иш ўринлари яратилмоқда.
— Корхонамиз 2010 йилда ташкил этилган бўлиб, бу кўрғазмада биринчи бор штирок этмоқдамиз, — дейди «Kapital met plast» корхонаси раҳбари Муродулло Нормуродов. — Таассуротларим жуда катта, юртимизда импортдан қолишмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариладигани кишини қувонтиради. Соҳада эришилаётган ютуқлар, янгиликлар, янги технологиялар билан таъминлашда, шу билан бирга қўллаб корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатаямиз.
Ишбилармонлик муҳити даражасини ошириш учун имкониятларни яратиш мақсадида нафақат ярмарка-биржаси иштирокчилари — корхоналар раҳбарлари, шунингдек, таширф бюрурувчилар ҳам тўғридан-тўғри мулоқот орқали шериклар топиш, ҳўжалик шартномаларини имзолаш, экспорт-импорт алоқаларини ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сертификатлаштириш ва стандартлаштириш, солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш каби саволларга маслаҳат ва жавоб тоғдилар. Ярмарка-биржада мамлакатда максимал қўлай бизнес муҳитини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш ишлари, ушбу тадбирда қатнашаётган 12 та корхоналар таджимотлари ўтказилди.
Шунингдек, биржани ўтказиш жараёнида иқтисодиёт ва молия, бизнес ва ҳўқум масалаларига бағишланган викториналар ташкил этилди.
Ярмарка-биржасининг энг фаол қатнашчилари эсдалик совғалари ва барча иштирокчилар дипломлар билан таджирланди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу йилги ярмаркада шаҳарнинг саноат салоҳияти билан таништириш ва иқтисодиётнинг реал сектори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда келгусида малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари талабалари, ҳўсуий тадбиркорлар ва саноат корхоналари раҳбарлари ҳам қатнашди. Узига хос тарзда ташкил этилган ярмарка-биржа кўпчиликнинг эътиборини тортиди.
Ўтган йилларда ўтказилган Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржалари натижалари шунини кўрсатмоқдаки, бу йилги тадбирда 120 тадан 150 гагача худудий тасарруфдаги корхоналар қатнашган, тузилган шартномалар ҳажми эса ўртача 1,4 маротабага ортган. Тузиладиган шартномалар натижасида маҳсулотларнинг янги турлари ўзлаштириладигани қувонarliдир. GM, MAN, САМАвто корхоналарида ишлаб чиқариладиган янги туркумдаги автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, бўғдой ўрвучи комбайнлар, энергия тевовчи ёриткич-лампадар, кенг турдаги тайёр чарм-пойабзал, тўқимачилик саноати маҳсулотлари, қўрилш материаллари, спорт ва ўйин маҳсулотлари, маийший кимё товарлари шулар жумласидандир.
Мамлакатимизда кейинги йилларда пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ривожланиб бормоқда. Илгари хом ашёнинг юз фоизи четдан келтирилган бўлса, ҳозирда унинг муайян қисми ўзимизнинг «Шўртангазим» маҳмуасидан олинмоқда. «Ўзқўрғазмасавдо» кўрғазма маҳмуаси очик майдонининг каттагина қисмини пластмасса маҳсулотлари эгаллаган.
— Биз бугунги кунда турли ўлчамдаги сукуллик идишлари, стадион ва теннис қорлари учун ўриндиқлар, тўсиқлар каби жами 30 хилдан зиёд пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди «Elit Roto Plast» корхонасининг техник оператори Тоҳир Курбонов. — Кўрғазмада мунтазам иштирок этиб келаемиз. Бу йилги ярмарка ўтган

йилгиларга қараганда катта фарқ қилади, унинг натижалари эса янги ва замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар ва турли хилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш пойтахтимизда кундан кун ривожланиб бораётганидан далолат бериб турибди. Мана шундай ярмарка ва биржалар тадбиркорларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлик

миздаги масўлияти чекланган жамияти шаклидаги «Kentavrus» хорижий корхонасидир. Ҳозирда бу корхонада чарм маҳсулотларига ишлов берилмоқда. Корхона томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳаларида кенг қўлланилмоқда.
— Худудий Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида биринчи марта иштирок

ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

қилишларида жуда қўлай майдонга айланмоқда.
Пойтахтимиз республика иқтисодиётининг турли тармоқларида етакчи ўрин тутди. Бугунги кунда шаҳримизда 9400 дан ортиқ саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 98 фоиздан кўпрогини кичик бизнес ва ҳўсуий тадбиркорлик субъектлари ташкил этади. Шаҳардаги ишлаб чиқариш қувватларининг қарийб 60 фоизи асосий йилрик 110 саноат корхонаси улушига тўғри келади. Тошкент худудий Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида уларнинг айримлари билан танишиш имкони яратилди.
Тадбирда қатнашаётган 34 та корхоналар тармок вазириликлари, жумладан радиоэлектрон, электротехника саноати ва приборқилириш корхоналари уюшмаси, «Ўзфармасаноат» ДАК, «Ўзбекингиласаноат» ДАК, «Ўзбек-чармлойабзали» уюшмаси, «Хўнарман» уюшмаси таркибига кирди. Умумий қатнашчиларнинг 86 фоизи кичик бизнес ва ҳўсуий тадбиркорлик субъектларидир.
Республикаимизда хорижий сармоядорлар томонидан ташкил этилиб, юртимиз иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келаяётган корхоналар ачагина. Улардан бири пойтахти-

этаётганимиз йўқ, — дейди «Kentavrus» корхонаси раҳбарининг ўринбосари Алишер Раҳмонқуллов. — Кўрғазма тадбиркор ва ишбилармонлар учун қўллаб чиқариладиган яратмоқда. Бизнинг маҳсулотларимиз пойабзал, сумка ишлаб чиқарувчи ва бошқа бир қатор корхоналарда зарурий хом ашё сифатида фойдаланилади. Ушбу тадбирдаги иштирокчимиз орқали янги шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларга ўз маҳсулотларимизни етказиб бериш ниятидамиз.
Ушбу биржада аввалги биржаларда намойиш этилмаган шаҳар корхоналари томонидан ишлаб чиқаришни ўзлаштирилган импорт ўрнини босувчи янги маҳсулотлар — мотоцикллар, квадрицикллар, уяли алоқа воситалари, музлаткичлар, кир ювиш машиналари, телевизорлар, чанг ютигичлар, спорт жиҳозлари, болалар ўйинқўрғали, йилрик ҳажмли транспорт воситалари ва техникалар таширф бюрурувчилар эътиборига ҳавола қилинди. Биржада тузилган шартномалар республика ички бозорини идоралараро ва тармоқлараро кооперация алоқаларининг ривожланиши ҳамда янги маҳаллий технологиялар ва материаллардан самарали фойдаланиш натижасида

ЎЗБЕКИСТОНДАН МУНОСИБ СОВҒА

Яқинда Шанхай Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ассоциацияси томонидан Шанхай кутубхонасига Ўзбекистон тарихи ва маданияти ҳақида атрафлича маълумот берадиган ўттизга яқин китоблар тўпламини топшириш маросими бўлиб ўтди. Мазкур китоблар Шанхай кутубхонасига «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан тақдим этилди.

Мамлакатимизга оид китоблар орасида тўрт юздан ортиқ ажойиб тарихий ва замонавий бадийий суратларни ўз ичига олган «Тошкент: бир шаҳар тарихи» деб номланган нашр алоҳида ажралади туради. Академик Эдвард Ртвеладзеининг ўрта Осиё худуди маданиятларининг тарихи ва ўзаро алоқалари ҳақида хикоя қилувчи «Марказий Осиё цивилизациялари, давлатлари ва маданиятлари» асари, араб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган, Ўзбекистон меъморий ёдгорликларидеги хаттотлик ёзувларининг энг яхши намуналарини ўзида акс эттирган фотосуратлар билан безатилган «Ўзбекистон қадимий меъморий ёзувлари дурдоналари» альбому, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ва бошқа жаҳон илмфани тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар берадиган «Хоразм Маълум академияси» энциклопедияси ва бошқа асарлар мазкур тўпланда жой олган.
Мамлакатимизнинг кўна маданияти ва анъаналарини ҳамда юртимиз замонавий қиёфасини ўзида чиroyли акс эттирган «Форум жамғармаси Ўзбекистонни намойиш этади» номли фотоальбом тадбир қатнашчиларида алоҳида таассурот қолдирди.

Шунингдек, Шанхай кутубхонасининг мухташам биносига муваффақият билан ўтказилган «Ўзбекистон таникли расомларининг замонавий асарлари» номли кўрғазмада «Ўзбекистон амалий санъати. Қадриятлар изчиллиги» рангли нашри, шу билан бирга машҳур ўзбек расомининг Шанхайда кўп марта намойиш қилинган асарларининг кўчирма нусхаларини ўзида жамлаган «Ақмал Нур. Санъат асарлари» тўплами ҳам тадбир иштирокчиларининг эътиборини ўзига тортиди.
Шанхай кутубхонаси директори Ву Цзянжон тақдим этилган ушбу ҳадя учун чўқур миннатдорчилик билдирар экан, китоблар тўплами ўзбек халқининг бой маданияти ва тарихий мероси янада кенг тарғиб қилинишига ҳамда хитой жамоатчилиги Шанхайнинг биродар шаҳри — Тошкент билан янада яқиндан танишишга қўшимча имконият яратишини айтиди.
Ву Цзянжоннинг маълум қилишича, қабул қилиб олинган мазкур асарлар кутубхонанинг хорижий адабиётлар бўлимида алоҳида ойиванд пештахтага жойлаштирилади. Китобхоналар уларнинг электрон кўринишдаги нусхаларидан ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади.
«Жаҳон» АА Шанхай

«Ташаббус — 2013» республика кўрик-танловининг «Энг яхши аёл тадбиркор» номинацияси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Ўзбекистонда бизнес форум (2 босқич)» лойиҳаси томонидан таъсис этилган бўлиб, жиэзахлик 22 яшар тадбиркор Дилноза Туроповага насиб этди. Ушбу мукофотдан ташқари бу ёш тадбиркор аёлга яна бир имконият — хорижда бўлиб ўтадиган кўрғазмада иштирок этиш учун йўлланма ҳам берилди.

ЁШ ТАДБИРКОР ХОРИЖИЙ КЎРГАЗМАДА ҚАТНАШАДИ

Бу — ёш ишбилармон учун маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини ошириш ва экспорт имкониятларидан фойдаланиб ишлаб чиқаришни кенгайтиришга замин ярати беради.
— Танловда мени шундай мукофотга лойик деб топишгани ёш тадбиркорларга бўлган катта эътибор ва ишонч намунаси деб биламан, — дейди Д.Туропова.
— Шунингдек, «Ташаббус-2013» кўрик-танловидеги менга БМТ Тараққиёт дастурининг алоҳида совғаси — хорижда малака ошириш келиш имконияти берилди. Бу бизни кўлга киритилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, фаолиятни янада ривожлантиришга, бундан ҳам катта муваффақиятларга эришишга ундайди.
Ҳозирда 22 яшар тадбиркор Д.Туропованиннг 30 дан ошиқ шогирдлари бор. Унинг корхонаси темирчилик жиҳозлари, уй-рўзгор анжомлари, турли ҳайкалчалар, эсдалик буюмлар ишлаб чиқаришга иктисослашган. Корхона маҳсулотлари ўз сифати ва турли-туманлиги билан харидорлар талабини қондирмоқда.
БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги лойиҳаси масўул ходимларининг маъ-

лумотларига кўра, Д.Туропова 2010 йилда буюн «Ташаббус» кўрик-танловида фаол иштирок этиб келмоқда. У бир неча бор Тошкентда ўтказилган «Ипак йўлидаги сайёҳлик» халқаро кўрғазмасида қатнашган, шунингдек, «Камолот» ЕТМ ташаббуси билан ўтказилган «Менин бизнес гоям» республика танловида голиб чиққан.
БМТТД лойиҳаси «Ташаббус — 2013» республика кўрик-танловида ўз стендини тақдим этди. Бу стендида «Ўзбекистонда бизнес юритишни молиялаштириш», «Тадбиркорлар учун интернет», «Тадбиркорлар учун компьютер» деб номланган ахборот-нашрлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, кўрғазма доирасида ҳўсуий тадбиркорлик соҳаси вакиллари иштирокида сут йиғиш марказларини ташкил қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, иссиқликни иқтисод қилувчи парниклар қурилиши бўйича лойиҳалар тақдимотлари ўтказилди ва иштирокчилар томонидан яхши кутиб олинди. Бу лойиҳалар бугунги кунда республикаимиз вилоятлари фермерлари томонидан ҳаётга жорий этилмоқда.
«Туркистон-пресс»

САМАРАЛИ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ИХТИРОЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Захарли илон ва бўғимоёқиллар захридан турли касалликларни даволашда қўл келувчи дори воситалари яратилди. Бундан ташқари, яллиғланишга қарши ва оргиқ қолдирувчи «Випротон», «Тимогель», «Апикалсалин», бифункционал таъсирга эга ва қон ўрнини босувчи «Салгивин» препаратлари яратилиб, кенг қўлланилмоқда.
Изланишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида институлда яратилган янги дори воситаларининг биоэквивалентлиги ва биоавфсизлигини фармакокинетик баҳолаш бўйича синов маркази ташкил этилган. Бу эса дори воситаларини турли шароит ва мезонларда ўрганиш, зарур ҳулосалар чиқаришга хизмат қилаётир.
Жорий йилги ярмаркада кимё фанлари доктори, профессор Саидмуҳтор Мавлонов рутан ва госситан ўсимликлари асосида гриппга қарши самарали дори воситалари яратиш лойиҳаси билан иштирок этади. Бу препаратлар замонавий тиббиётда қўлланиладиган «Амиксин», «Зовиракс», «Ремантадин» каби вирусларга қарши дорилар ҳамда экзоген интерферонлардан қарийб йигирма экзотен юкори самарадорликка эга.
Биоорганик кимё институтида зараркунанда ҳашаротларга қарши курашиш бора-сидаги илмий изланишлар натижасида гўза зараркундаларига қарши феромонли тузоқ усули яратилди. Феромонли тутгичлар 1-2 гектар гўза майдонига кечқурун ўрнатилиб, эрталаб тахлил қилинади. Унга тушган қўсақ қурти капалаги сонига қараб, биологик ёки кимёвий препаратлар қўлланилади.
Синтетик феромонли капсулалар инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун зарарли эмас. Ҳозир барча гўза майдонларини шундай тутгичлар билан тўлиқ таъминлаш имконияти мавжуд. Бу, пироваврида, гўза ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилади.
Бу йил ярмаркада институт етакчи илмий ходимлари Элмурод Холмуродов ва Галия Носированиннг ҳўжайра технологиялари асосида олий навли картошка етиштириш технологияси ҳам намойиш этилади. Иқтисодий жиҳатдан самарали, дея эътироф этиладиган мазкур технологияни амалиётга табтиқ этиш орқали уруғлик картошка импортини кескин камайитиришга эришиш мумкин. 2014 йилда институтнинг 2 миллиондан ортиқ ўсимлик ва микротуғанаклар етиштириш қувватига эга лабораториясида фермер ҳўжалиқларига сотиш учун минг тонна супер элита авлодига мансуб уруғлик картошка етиштириш режалаштирилмоқда.
Буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.
Сайёра ШОЕВА, ЎЗА муҳбири

ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда аҳоли ҳаёти ва фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳам кенг қўллами ишларнинг изчил давоми бўлмоқда. Ушбу дастур ижросини таъминлаш бўйича жойларда, айниқса ёшлар ўртасида кенг тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилмоқда.
Шундай тадбирларнинг навбатдагиси «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» ОАЖда ўтказилди. Ушбу маънавий-маърифий тадбир Маънавият тарғибот маркази Яқкасарой туман бўлими томонидан ташкил этилди.
Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Эшқобил Шўкур ва Маънавият тарғибот маркази Яқкасарой туман бўлими раҳбари Баҳодир Юсуповлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.
— Маълумки, бугунги кунда аксарият ёшларимиз турли касб-хўнар коллежларини битириб, ишлаб чиқариш корхона, заводларида меҳнат қилиб келишмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази Яқкасарой туман бўлими раҳбари Баҳодир Юсупов. — Яқкасарой туманида жойлашган касб-хўнар коллежлари, академик лицейларда ҳам «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида турли-туман тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ёшларга дастурнинг мақсади ва мазмун-моҳияти атрафлича тушунтириб борилмоқда. Бу учрашувларда тарғиботчилар гуруҳи — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходимлари фаол иштирок этишмоқда.
Тадбир жамият ходимларида катта таассурот қолдирди.
Нилуфар АБДУРАҲМОнова

2013 йил — Обод турмуш йили
ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ — ОБОД ТУРМУШ ОМИЛИ

Мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг обод турмуш ва фаровон ҳаётимиздаги ўрни ва ролини кучайтириш, жамият ва давлат ишларидаги фаол иштирокини таъминлаш билан боғлиқ асосларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама этиш мазкур анжуманиннг асосий мақсади бўлди.
Тадбир давомида ушбу йўналиш бўйича «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида белгиланган мақсад ва вазибаларнинг мазмун-

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидеги «Обод турмуш ва фаровон ҳаётни таъминлашда хотин-қизлар ижтимоий фаоллиги — муҳим омил» мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирда давлат ва жамоат тажрибаларининг турли соҳаларида фаолият юритаётган фаол, илгор аёллар ҳамда иқтисодорли талаба-қизлар иштирок этишди.
моҳияти тўғрисида батафсил маълумот берилди.
— Обод турмуш ва фаровон ҳаётни таъминлашда хотин-қизлар тажрибалари, айниқса муҳим аҳамият касб этади, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

Ф. Абдурахимова. — Бу болада хотин-қизлар қўмитаси бошланғич тажрибаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс.
Шунингдек, анжуманда Республика хотин-қизлар «Олима» уюшмаси раиси, профессор Р.Муртазаеваининг «Хотин-қизларнинг интеллектуал

салоҳиятини ошириш — мамлакат тараққиёти йўлидаги ижтимоий фаоллик гарови», Фанлар академиясининг Иммунология институти директори, профессор Т.Арипованиннинг «Тошкент шаҳар «Олима» уюшмаси олдида турган долзарб вазибалар», УзДЖТУ пе-

дагогика ва психология кафедраси мудири, профессор Ойниса Мусурмонованиннг «Таълим тизимида талаба-ёшлар оилалари билан амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар доирасидаги устувор вазибалар», УзДЖТУ «Олима» уюшмаси раиси, профессор Дилором Бобожоноваининг «Университет олима аёлларининг илмфан тараққиётдаги тутган ўрни» каби долзарб мавзулардаги маърузалари тингланланди.
Тадбир сўнгида иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.
Дилшод РЎЗИКУЛОВ, УзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ЭРИШДИК!

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР ШАРҲИ



ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

аниқланган камчиликлар бартараф қилинишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур. Бундан буён фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларини тўлиқ бажарилишига тўққинлик қилаётган муаммолар ечимини топиш, уларнинг қонунларда белгиланган фаолиятига ноўрин аралашувларга йўл қўймаслик, уларга дахлдор бўлмаган йиғилиш ва тadbирларга жалб этилишининг олдини олишга қўмаклашиш белгилаб қўйилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил қилишда ҳамкорликни янада такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда Тошкент шаҳридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Шу мақсадда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши 2013 йил 9 апрелда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорга кўра, ҳар бир туманда биттадан маҳаллада ишлар тизимли асосда ташкил этиладиган ва улар намунали маҳалла ҳолатига келтирилдиган бўлди.

Қарорда кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш учун, фуқаролар йиғини раиси раҳбарлигида профилактика инспекторларининг ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ҳар ҳафтада ўртача 50 та оила ўрганилиши, улардаги мавжуд муаммолар махсус дафтарга қайд этилиши ва шу асосда

димиқланган камчиликлар бартараф қилинишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур. Бундан буён фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларини тўлиқ бажарилишига тўққинлик қилаётган муаммолар ечимини топиш, уларнинг қонунларда белгиланган фаолиятига ноўрин аралашувларга йўл қўймаслик, уларга дахлдор бўлмаган йиғилиш ва тadbирларга жалб этилишининг олдини олишга қўмаклашиш белгилаб қўйилди.

Туман ҳудудидаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ижобий кўрсаткичларга эришган маҳалла фуқаролар йиғини ва ички ишлар идоралари ходимларини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилди.

Бундан буён йилнинг ҳар чорагида туман ҳокимлиги ҳамда ҳокимлик тизимига кирувчи давлат бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича фуқаролар йиғинларида ҳисобот берилиши ташкил этилади.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги «Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари комиссиялари» фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган услубий қўлланма ишлаб чиқиш, комиссия раислари учун ҳудудий ўқишлар ташкил этиш ҳамда улар тарки-

бига ташаббускор ёшларни жалб қилиш лозим бўлади.

Фуқаролар йиғинларининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тизимлари раҳбарлари фаолиятини ўрганиш ва улар ишини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш зарур.

Депутатларнинг маҳаллаларда сайловчилар билан ўтказиладиган учрашувларда янги қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига тушунириш ишларини кенгайтириш, бу учрашувларда кўтарилган долзарб муаммолар юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровини юбориш ишларида кучайтириш бугунги кун талабидир.

Шаҳар ҳокимлигида аҳоли учун коммунал соҳага оид муаммолари масалалар ва муурожаатлар учун махсус www.e-kommunal.uz сайти ташкил этилган. Келиб тушган ҳар қандай маълумот ўз вақтида кўриб чиқилиб, таҳлил этилиши, муаммоларни тез ҳал этиш чоралари кўрилиши, ижроси назоратга олиниши керак.

Маҳалла ва турар жой мавзелари ҳудудларини ободонлаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларни назорат қилиш ҳамда аҳоли орасида тушунириш ишларини амалга ошириш мақсадида шаҳар Кенгаши депутатлари ўзлари сайланган округлари бўйича маҳаллаларда фаолият олиб боришлари лозим.



АВТОМОТОТРАНСПОРТ САҚЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ШАҲАРСОЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА МУВОФИҚ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда маҳаллий ҳокимликлар томонидан бошқичма-бошқич шаҳримизнинг

аҳоли зич жойлашган мавзеларида «Намунавий маҳалла» дастури асосида кенг қўламли ободонлаштириш, кўп қаватли турар жой биноларини, ер ости муҳандислик тармоқларини, ҳудудларро йўл ва йўлакларни қайта таъмирлаш, спорт ва болалар майдончаларини ташкил этиш ишлари амалга ошириб келиняпти.

Аммо пойтахтимиздаги шаҳарсозлик меъёр ва қоидалари талабларига жавоб бермайдиган автомобилотранспортлар сақлаш қурилмалари ободонлаштириш ишларини олиб боришда катта тўққинлик қилмоқда.

Шаҳар аҳолисининг автомобилотранспорти турар жойларини ташкил этиш ҳақидаги таклифлари ҳамда мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар ҳулосаларидан келиб чиққан ҳолда шаҳар ҳокимлиги 2013 йил 8 апрелда «Тошкент шаҳрида автомобилотранспорт сақлаш қурилмаларини ободонлаштириш ва шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ тартибга келтириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлими, шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, мазкур бош бошқарманинг ёнгина қарши кураш бошқармаси, шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси ва бир қатор жамоат ташкилотларининг шаҳарда ўрнатилган автомобилотранспорт сақлаш қурилмалари жойлашган ер участкалари ўрнида замонавий енгил турдаги автомобилотранспортлар учун турар жойларни ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Қарорга мувофиқ бир ой мобайнида шаҳар ҳокимлиги шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда турар жой мавзеларида ташкил этиладиган автомобилотранспортлар турар жойларининг батафсил ягона намунавий лойиҳасини ишлаб чиқади. 2013 – 2014 йиллар мобайнида шаҳарда ўрнатилган барча автомобилотранспорт сақлаш қурилмалари бошқичма-бошқич олиниб, ўрнига ана шундай намунавий замонавий автомобилотранспортлар турар жойлари ташкил этилади.

Туман ҳокимликлари янги намунавий автомобилотранспортлар турар жойлари қуришга ҳомийлар, тadbиркорлар ва бошқа субъектларни жалб қилиши, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан биргаликда янги ташкил этилган автомобилотранспортлар турар жойларини сақлаш, ободонлаштириш, тозалаш ишларини таъминлайди.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАРМОҒИ ОБЪЕКТЛАРИ, НОВВОЙХОНА, СОМСАХОНА ҲАМДА ЧОЙХОНАЛАРДА САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА, ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА, ШАҲАРСОЗЛИК МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАҚИДА



«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизни янада ривожлантириш ва ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу эса аҳолига умумий овқатланиш соҳаси бўйича хизмат кўрсатаётган объектларда, сомсахоналар ҳамда чойхоналарда санитария-гигиена, ёнгин хавфсизлиги қоидалари, шаҳарсозлик меъёрлари ва талабларига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтиришга тақозо этади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги қонуни ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий амал қилиниши лозим.

Шуларни инобатга олиб, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши 2013 йил 9 апрелда «Тошкент шаҳридаги умумий овқатланиш тармоғи объектлари, новвойхона, сомсахона ҳамда чойхоналарда санитария-гигиена, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига, шаҳарсозлик

меъёрлари ва қоидаларига риоя қилинишини тартибга солиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда аҳоли ўртасида савдо, умумий овқатланиш тармоғи объектлари, новвойхона, сомсахоналар ҳамда чойхоналарда санитария-гигиена, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши, объектларнинг шаҳарсозлик ҳолатини талаб даражасига келтириш бўйича кенг қамровли тарғибот ишларини амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Бинобарин, маҳаллалар, мавзеларда, ёнгин хавфсизлиги ва ташқи кифёси билан архитектура талабларига жавоб бермайдиган савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари объектлари, новвойхоналар, сомсахоналар ҳамда чойхоналарни тартибга келтириш бўйича тегишли чоралар кўриш лозим.

Бундан буён санитария-гигиена, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари бузилишига йўл қўйган объектларнинг мутасаддилари ҳаракатларига қонун доирасида чек қўйилади.

ШАҲАРНИНГ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА АҲОЛИ ЎРТАСИДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ТАРҒИБ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА



Истиқлол йилларида шаҳримизда улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳоли учун қўлай инфрамуҳит яратиш ҳамда санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш борасида талай эзгу ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, сўнгги йилларда аҳоли сони ортиши билан ҳудудларнинг тозаллигини сақлашда айрим муаммолар келиб чиқяпти. Масалан, аҳоли томонидан кўп қаватли уй-жой атрофида турли чиқиндиларни ташлаб кетиш, бўш ётган ер майдонлари, ариқ ва зовурларни ифлослантириш ҳоллари учраб турибди. Бу эса шаҳар экологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан пойтахтимиз табиатини муҳофазаси қилиш, экология ва санитария-эпидемиологик муҳитни яхшилаш, атроф-муҳитга зарарли таъсирларнинг олдини олиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш мақсадида 2013 йил 9 апрелда «Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва аҳоли ўртасида экологик маданиятни тарғиб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Айтиш керакки, шаҳарда жойлашган корхона, ташкилот, муассаса ва идораларда ишлаётган ходимлар ҳамда маҳаллаларда аҳоли ўртасида пойтахтимиз тозаллигини сақлаш ва экологик маданиятни юксалтириш бўйича тушунириш ишларини олиб бориш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Албатта, уй-жой фонди, кўча, майдон ва ариқларни тоза тутиш, ҳудудларни ифлослантирмаслик, чиқиндиларини белгиланган жойга ташлаш лозим. Чиқиндиларни ажратиш, тўплаш, йиғиш, тозалаш ва ташкилий равишда олиб чиқиш кетиш бўйича тасдиқланган қоидаларга мувофиқ чиқиндиларни турларга ажратиш, белгиланган рангдаги пакетларга жойлаштириш, чиқинди тўплаш жойидаги белгиланган рангдаги контейнерга ёки «Махсустан» корхонасининг автомобилотранспортлари билан йўлга қўйилган. Бинобарин, бино, иншоот, яқна тартибдаги уй-жойлар ва кўп қаватли уй-жой атрофида чиқиндиларни олиб чиқиш кўйиш ва тўплаш, кўча, сув, ариқ ва белгиланмаган жойга чиқиндиларни ташлаш, автомобилотранспорт воситасидан турли чиқиндиларни ташлаб юбориш ва қурилиш чиқиндиларини маиший чиқиндилар билан аралаштириб ташлаш ман этилади. Шунингдек, ҳудудларда шох-шаб-

балар, барг-хазонлар, барча чиқиндилар, қуриган ўт ва ўсимликларни ёқиш ҳамда шаҳар экологиясини ифлослантиришга асло йўл қўйилмайди. Ана шу қоидаларга амал қилмаётган фуқаролар огоҳлантирилади.

Бундан буён белгиланган тартибда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун экологик маданият, атроф-муҳитнинг тозаллиги, санитария-гигиена қоидалари, табиат муҳофазаси, чиқиндиларни ташлаш тартиби ҳақида махсус курслар ташкил этилади.

Маҳаллаларда учрашувлар ташкил этиб, ҳар бир хонадон, оила, фуқаро ҳамда шаҳарда фаолият юритаётган ҳар бир юридик шахсга мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсада мувофиқдир. Келгусида атроф-муҳитни ифлослантираётган, санитария-гигиена талабларини бузаётган, чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаётган шахслар аниқланиб, маҳалла фуқаролар йиғинларида фаоллар иштирокида муҳофазаси қилинади. Туманларда «Энг обод маҳалла», «Энг озода кўча», «Энг намунали кўп қаватли уй» кўрик-танловлари ўтказилади.

Маҳалла тозаллигини сақлаш, санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда фуқароларнинг санитария ва экология қоидаларига риоя этишини таъминлаш учун фуқаролар йиғини раиси, профилактика инспектори ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари ҳамкорликда фаолият олиб бориши зарур.

Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳитнинг тозаллигини сақлаш ва табиатни муҳофазаси қилиш бўйича буқлетлар ва бошқа нашрий маҳсулотлар тайёрлаб, аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарқатиш муҳим вазифалар сирасига кирди. Реклама фаолиятини амалга оширувчи агентликлар шаҳардаги реклама конструкциялари ва видеомониторларга шаҳар тозаллиги, атроф-муҳит ва экологияни сақлашга қаратилган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган рекламалар, тарғибот воситалари, чақирик ва эълонларни жойлаштириши керак. Теледастурларда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини тушуниришга қаратилган махсус кўрсатув, ролик, ижтимоий реклама ва эълонлар жой олишини йўлга қўйиш лозимдир.

Қарорда санитария ва экология қоидаларига амал қилмаётган шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўришни кучайтириш кўзда тутилган.



КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ЙЎЛАКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ВА НАМУНАЛИ ДАРАЖАДА САҚЛАШ ҲАҚИДА

Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши турар жойларни замон талаблари даражасига етказиш, таъмирлаш, намунали сақлаш ва хизмат кўрсатиш ишларини сифатли бажариш ҳамда кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2013 йил 9 апрелда «Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар йўлакларини таъмирлаш ва намунали даражада сақлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг коммунал хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси, шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар

бўлимининг кўп қаватли уйларнинг ҳолатини замон талаблари даражасига етказиш, намунали сақлаш, йўлакларни таъмирлаш ва кириш эшикларини қўлфлар билан жиҳозлаш бўйича таклифлари маъқулланди ҳамда кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларини таъмирлаш ва кириш эшикларига қўлф ўрнатиш бўйича манзилли жадвал тасдиқланди.

Кўп қаватли уйларда яшайдиган уйбоши ва йўлакбошилар фаолиятини жонлантириш, лозим ҳолларда обрўли, ватанпарвар, фидойи фуқаролардан ширкат раислари, фуқароларни жалб қила оладиган яшовчиларни уйбоши ва йўлакбоши вазифаларига қайта сайлаш масалалари кўриб чиқилади.

Намунали фаолият юритаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг илгор тажрибаларини кенг

тарғиб қилиш мақсадида «Энг намунали хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати», «Энг намунали кўп қаватли уй йўлакбоши», «Энг намунали профессионал бошқарув компанияси» кўрик-танловлари ўтказилади.

Шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига зид равишда таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини амалга ошираётган, санитария-гигиена қоидаларини бузган тақдирда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари, уйбоши ва йўлакбошилар кўп қаватли уйлар мулкдорларини огоҳлантириши, кўрсатилган коммунал ва эксплуатация хизматлари учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириш, аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишларини олиб бориши зарурлиги белгилаб қўйилди.

Танловлар

МОҲИР ҚҮЛЛАР МЎЪЖИЗАСИ

Мирзо Улуғбек туманидаги умумтаълим мактаблари ўртасида «Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат», «Хунарли қиз», «Энг чиройли либос дизайнери» мавзуларида танлов бўлиб ўтди.

Тумандаги 222-мактабда ўтказилган танлов иштирокчилари амалий санъатнинг бешта йўналиши — либос дизайнери ва миллий кўғирчоқларни ясаш, каштачилик санъати, дурадгорлик, аппликация ҳамда кўрқибисер тиқиб маҳоратлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Танловда туманимизнинг энг фаол мактаб ўқувчилари иштирок этди, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик ташкил этиш бўлими методисти Азиза Йўлдошева. — Ёшларнинг ўз қўллари билан яратган санъат асарларини кўриб,

уларни моҳир қўллар ижодининг мўъжизаси, дея таърифладим. Танловни уюштиришдан мақсад ўқувчи-ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли кўлга қилиш, уларни хунарга ўргатиш, энг иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашдир. Фарзандларимиз келажақда ўз хунарларининг мукамал эгаси бўлишлари учун уларга кўлимиздан келганича ёрдам берамиз.

Азал-азалдан ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаятган миллий кадрларимизнинг янада сайқал топаётганини ўқувчи-ёшларимиз қилаётган

меҳнатларининг самарасидан билсақ бўлади.

Ўтказилган тадбирда 112, 222, 286, 99, 248, 221-мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари ғойибликни кўлга қиритиб, танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олишди.

Ғойиблар Мирзо Улуғбек тумани ташкилотчилари томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Танлов сўнггида 222-мактаб ўқувчиларининг хор ва вокал жамоаси томонидан қизикарли концерт дастури уюштирилди.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА СУРАТДА: танловдан лавҳа



Оз-оз ўрганиб доно бўлиб

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Имкониятни ҳамма ерда, ҳар қандай шароитда ҳаммаша топса бўлади. Фақат уни воқеликка айлантира олиш керак. Воқеликка айланмаган имконият — мағлубият.

Тушкунлик фаолиятдан айиради.

Ташвишсиз умрда мазмун йўқ.

Ҳар нарса ўз ички имкониятига эга.

Ҳаммининг кўнглини олиб бўлмайди, лекин ҳаммининг кўнглини қолдириш мумкин.

Бир дақиқалик бир ёлғон бутун умр йиққан ҳурмат-эътиборингни бир дақиқада кунпаякун қилиши мумкин.

Кўрқоқ кишининг иродаси заиф бўлади. Иродани кўрқув емиради.

Кўрқоқ ўз умрининг эгови.

Ирода бўшлиғи бахтсизликка йўл очиб беради.

Ҳар қандай бағритиш кимсанинг ҳам кўнгли юмшайдиган дақиқа бўлади.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Табиат тухфаси

ГУЛЛАР МАЛИКАСИ

Ўлкамизни хосиятли гуллар маскани сифатида таърифлашди. Гул ва чечаклар даврасида аттиргулнинг ўз жазибаси ва мафтункор кўриниши, одамни муаттар ҳиди билан ром этувчи хислатлари мавжуд. Аттиргул ҳаёт, висол ва гулгунлик рамзи. Гуллар маликаси аттиргулни қанчалик эъзозласанг арзийди. Ўзбекистон диёри ер кўррасига ўзининг ранго-ранг гулчамбарини кўз-кўз қилишининг боиси ҳам бор. Бизда етишадиган аттиргуллар номдор Дамашқ аттиргулидан юз чандон гўзал ва наъшали.

(спазма) сақлайди. Болгарияда аттиргул мойидан бронхал астмани даволашда кенг фойдаланмоқдалар.

Шифокор олимлар бўлиш Д.Иорданов, П.Николов ва А.Бойчиновларнинг берган маълумотларига қараганда, нуқраган-оқ аттиргулнинг гултож барглари таркибидеги қатрон (смола) шиллик моддалар ва ички юмшатовчи, гижжа ҳайдовчи хусусиятларга эга бўлса, қизил-алвон аттиргул ўзининг таркиби билан оқ аттиргулдан ажралиб туради. Унинг гулбаргларида катехин, кварцетин, цинин каби моддалар мавжуд. Мазкур моддалар дизентерия, меъда ва ичак йўллари яллиғланишида даво ҳисобланади. Қизил аттиргул мойи томоқ оғриғи (ангина) ва милкларни даволашда ишлатилади.

Атиргулдан уй шароитида доривор малҳам тайёрлаш мумкин. Бунда қизил аттиргул гулбаргларида эзилган 5-10 грамм суюқлик 2 стакан қайноқ сувга дамланади. Бу дамлама катталар учун бир кунлик меъёр бўлса, болалар учун икки кунлик меъёрдир.

Маннон НАБИЕВ, дорихона

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати олий лигаси финалида пойтахтнинг икки жамоаси — «Ардус» ва «Локомотив» ўзаро куч синашадиган бўлди.

Мини-футбол

«АРДУС» ВА «ЛОКОМОТИВ» ФИНАЛДА Ўйнайди

Янги қоидага кўра, олий лига беллашувлари икки босқичда ўтказилмоқда. Дастлабки босқичда ўн жамоа иштирок этди ва улар орасида энг кучли саккизтаси плей-оффа йўлланма олди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Ардус» ярим финалда «Бунёдкор»ни мағлубиятга уратди. Иккинчи ярим финалда Ўзбекистон кубогни соҳиби — «Локомотив» футболчилари Тошкент вилоятининг «Максам-Чирчиқ» жамоасини енгни.

25-27 апрель кунлари пойтахтимизда ўтказиладиган финалда «Ардус» ва «Локомотив» Ўзбекистон чемпионлиги учун куч синашади. «Бунёдкор» ҳамда «Максам-Чирчиқ» жамоалари бронза медал учун майдонга тушади.

Шахмат

ПЕШҚАДАМЛАР КУЧ СИНАШДИ

Пойтахтимизда биринчи ўзбек гроссмейстери — Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Тошкент опен» VII халқаро турнири қизгин паллага кирди.

Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан 112 нафар шахматчи иштирок этаётган мусобақанинг тўртинчи турда пешқадамлар ўзаро рақобатлашди. Кетма-кет уч ўрашувни ўз фойдасига хал қилган гроссмейстеримиз Марат Жумаев қозогистонлик Муртаз Кажгалеев билан дурагн ўйнади. Мағлубиятсиз донна сураётган икки етакчи шахматчини Антон Филиппов ва Алексей Барсовнинг ўзаро баҳсида ҳам кучлар тенг келди.

Хотин-қизлар ўртасида халқаро гроссмейстер Нафиса Мунинова энг юқори кўрсаткични қайд этмоқда. Истеъдодли спортчимиз бу турда ўз ҳамюрти Анвар Ҳайлаевни қора до-

наларда мот қилиб, очколари сонини унчага етказди. Яна бир шахматчимиз Севара Боймуродова ҳам тўрт ўрашувдан учтасини ўз фойдасига хал қилиб, пешқадамлар сафида бол кўчарди.

Халқаро турнирда гроссмейстерлар — қозогистонлик Ануар Исмагамбетов, украиналик Сергей Федорчук, Александр Зубарев, испаниялик Олег Корнеев, россиялик Павел Малетин, Максим Туров, германиялик Игорь Ханкин ва озарбойжонлик Азер Мирзоев ҳам бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ, ЎЗА муҳбири

Сел ва сув тошқинлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари қатор тадбирларни амалга ошираяптилар. Улар режага асосан, тактик-маҳсус ўқув машқлари ва бошқа муҳофаза тадбирларини олиб бормоқдалар.

Тошкент шаҳри ҳудудидан қўллаб катта-кичик каналлар оқиб ўтади. Бу шубҳасиз, турли кўринишдаги табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш эҳтимолини келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 февралдаги «2013 йилда сел-тошқинлар ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини ҳимоя қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2013 йил 4 мартдаги «2013 йилда сув тошқини билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан Тошкент шаҳри аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юзасидан ишлар чиқилган чора-тадбирлар режасига асосан Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар, Сув ҳўжалиги, «Бўсўв» ирригация тизимлари бошқармалари ҳамда Гидрогеология-мелиорация экспедицияси, «Ирригация» трести томонидан баҳорги-ёзги мавсумда Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтадиган сувлар қирғоғидан тошиши эҳтимоли мавжуд бўлган жойларни таъмирлаш ишлари ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун зарур ташкилчи ва тайёргарлик тадбирлари олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи канал, ариқ ва анҳорларда сув тошиши ҳавфни камайтириш мақсадида қирғоқлар мустаҳкамланмоқда. Айни пайтда пойтахт ҳудудига кириб

келаятган сув оқимларини назорат қилиш учун маҳсус постлар ташкил этилган бўлиб, улар алоқа ва автотранспорт воситалари билан таъминланган. Бу постлар томонидан сув ҳажми кўпайиши ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида мунтазам бериб борилаяпти. Жорий йилнинг баҳорги-ёзги мав-

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан МУҲОФАЗА ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

сумида ариқлар, анҳор ва каналларнинг сувларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш ва фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида Тошкент шаҳар Фавқаро муҳофаза хизматларининг барча куч ва воситалари шай ҳолатга келтирилди.

Пойтахтимиз маҳаллалари ва йирик иншоотлар ҳудудидан оқиб ўтаётган канал ва ариқларни ҳашар йўли билан тозалаш, чиқиндиларни канал қирғоқларига ёки сувга ташлашни таъқиқлаш, кўчалар четигади ариқларни маҳалла аҳолиси ва қорхоналарнинг ишчи-хизматчилари томонидан доимий тозалаб, профилактика масалаларига эътиборни кучайтириш бўйича туман ҳокимликлари, иншоотларнинг раҳбарлари, ширкатлар, маҳалла фавқаролаш йирик кенгашлари томонидан зарур ишлар амалга оширилмоқда. Шу

билан бирга бу борада олиб борилаётган ишлар қўламини янада кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси, туман ҳокимликлари томонидан шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи барча каналлар, коллекторлар, анҳорлар ва ариқлар қирғоқларини тозалаш, қуриб қолган ёки сув оқимига тўқсинлик қилаётган даракларни кесиш ишлари босқич-ма-босқич амалга оширилаяпти.

Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳри бўйича об-ҳавонинг кескин ўзгариши, қутилаётган ёнғингарчиликлар ва кучли шамол тўғрисида маълумотлар олдиндан «Ўзгидромет» хизмати томонидан Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасига берилаётган маълумотлар асосида юзага келиши мумкин бўлган сув тошқинларининг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан 2013 йилнинг баҳорги-ёзги мавсумида пойтахт ҳудудидан оқиб ўтувчи сувларни хавф-хатарсиз ўтказиш ва фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида пойтахт ҳудудидан оқиб ўтувчи барча каналлар, коллекторлар, анҳорлар ва ариқлар ҳолати, оқаётган сув сатҳи даражаси доимий равишда назорат қилиб борилаяпти ва аниқланган камчиликлар тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этилаяпти.

Бундан ташқари, баҳорги-ёзги мавсумда ёш болаларнинг сувга қўчиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, шаҳримиз ҳудудидан оқиб ўтувчи канал, коллектор ва ариқларга яқин жойлашган маҳаллаларда яшовчи ота-оналардан ёш болаларга кўпроқ эътибор беришларини, уларни қаровсиз қолдирмасликлари учун тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Элдор ОРИПОВ, Тошкент шаҳар ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Азамат СУНОВ, журналист

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«O`zbekyengilsanoat» ДАК «Ishlar boshqarmasi» УҚсида аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини таклиф қиламиз. Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45. Тел: 215-61-94, 253-99-18.

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Орзуманд кўчаси, 54-уйда яшовчи Саидов Саловат Бекбулатовичга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 23 апрелда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазга пасайиши таъмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.